

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Хусусий болалар боғчалари солиқ имтиёзига эга бўлди

Президентнинг 5.04.2018 йилдаги ПҚ-3651-сон қарори билан мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланди.

Ҳужжатда мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг (ДХШ) қуйидаги шакллари жорий этиш назарда тутилади:

- нодавлат МТМ биноларини қуриш учун текин асосда ер участкаларини, шу жумладан фаолият кўрсатаётган давлат МТМ ҳудудидаги ер участкаларини доимий фойдаланишга тақдим этиш – 30 йилдан кам бўлмаган муддатга;

- кейинчалик оталиққа олиш билан мавжуд давлат МТМни реконструкция қилиш ва жиҳозлаш шarti билан нодавлат болалар боғчалари объектларини қуриш учун ер участкаларини текин асосда тақдим этиш – 30 йилдан кам бўлмаган муддатга;

- концессия (давлат томонидан ер участкаларига, биноларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқининг концессиячи фойдасига воз кечиш шартномаси) асосида қурилиш учун ер участкаси ёки реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун бино ажратиш – 15 йилгача;

- бўш турган давлат мулки объектлари, жумладан, фаолият кўрсатмаётган давлат МТМ биноларини «ноль» харид қийматида сотиш – 30 йилдан кам бўлмаган муддатга;

- давлат МТМнинг фойдаланилмаётган бинолари ёки тўлдирилмаган корпусларини – 30 йилдан кам бўлмаган муддатга мақсадли равишда узоқ муддат текин фойдаланиш учун хусусий шерикларга тақдим этиш;

- хусусий шерик мулки асосида ташкил этилган нодавлат МТМни моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш – 10 йилдан кам бўлмаган муддатга;

- оилавий нодавлат МТМни моддий-техник ва методик таъминлаш – 3 йилдан кам бўлмаган муд-

датга;

- оталиққа олиш кўринишида филантропик фаолият – 1 йилдан кам бўлмаган муддатга.

Шерикликнинг бошқа шакллари ҳам бўлиши мумкин. ДХШ Мактабгача таълим вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов натижасига асосан тузиладиган битим асосида амалга оширилади.

Бунда хусусий шерикларга инвестиция мажбуриятларининг қуйидаги турлари юкланади:

- ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож оилалар тарбияланувчиларининг муайян миқдорини ўқитиш ва улар учун ота-оналар тўловининг имтиёзли миқдорини белгилаш (мазкур жойдаги давлат МТМ учун белгиланган миқдордан ошмайдиган миқдорда);

- хусусий шерикка бириктирилган давлат МТМни қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича ишларни амалга ошириш.

Хусусий шерикларни молиялаштириш

Давлат бюджетидан субсидия ажратилади – давлат МТМнинг битта тарбияланувчиси учун харажатлар суммасининг 50%гача. Молиялаштириш маблағлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасининг алоҳида очиладиган ҳисобварағида жамғарилади. Жумладан Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банкининг кредитлари махсус ҳисобварақни шакллантириш манбаларига айланади.

Махсус ҳисобварақ маблағлари тижорат банкларига фойсиз асосда нодавлат МТМни ташкил этиш мақсадида кўчмас мулк сотиб олишни имтиёзли кредитлаш учун, айнан:

- қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича қурилган арзон уй-жойларни;

- кўп хонадонли уйлarning 1-2-қаватларидаги хонадонларни сотиб олиш учун тақдим этилади.

Шунингдек, кредитлар ДХШ тўғрисидаги битим объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъ-



мирлаш ҳам учун ажратилади.

Махсус ҳисобварақ маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлар тижорат банклари томонидан мактабгача таълим фаолияти билан шугулланадиган тадбиркорлик субъектларига йиллик 1% ставка бўйича 15 йил муддатга, шу жумладан 3 йиллик имтиёзли давр билан ажратилади.

Солиқ имтиёзлари

Қарорда давлат-хусусий шериклик шартларида ташкил этилган нодавлат МТМ учун қатор солиқ имтиёзлари назарда тутилган.

1. Улар қуйидагилардан озод этилади:

а) фаолият кўрсатишни бошлаган пайтдан бошлаб 10 йил муддатга барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан;

б) ДХШ тўғрисида битим тузилган кундан бошлаб 2 йил муддатга – тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган асбоб-ускуналар, инвентарь, ўқув қўлланмалари ва ўйин зоналари учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йигим бундан мустасно);

Ушбу солиқ ва божхона имтиёзлари фақат ҳисобот (солиқ) даври якунларига кўра мактабгача таълим соҳасида кўрсатилган хизматлардан олинган соф тушумнинг улуши умумий реализация ҳажмининг камида 80%ини ташкил этган нодавлат МТМга нисбатан қўлланилади.

Мазкур имтиёзларнинг амал қилиш муддати туганидан кейин нодавлат МТМга ота-оналар имтиёзли тўлови миқдори асосида квоталар бўйича қабул қилинган тарбияланувчиларга таълим хизматларини кўрсатишдан олинган фойда ДХШ тўғрисида битимнинг амал қилиш муддати даврида юридик шахслардан

2-бетда

ИШ БЕРУВЧИГА ЁРДАМ

Бош бухгалтер: вакансия очиқ

Корхона бош бухгалтери ёки бухгалтерия хизмати раҳбари – ташкилотчи ҳамда исталган компания фаолиятидаги мураккаб ва муҳим вазифаларни ҳал этувчи мутахассис. Шу сабабли бош бухгалтерга анча юқори талаблар қўйилади. Бош бухгалтер фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатлари: малакаси, меҳнат муносабатлари хусусияти, моддий, маъмурий ва жинойи жавобгарлик масалалари – қонун даражасида мустаҳкамланган. «Молия ишлари раҳбари» нималар билан шугулланиши эса кўп жиҳатдан компанияга боғлиқ. Баъзан бир неча йўналишдаги ишни бир йўла бажаришига тўғри келади.

Шундай экан, бош бухгалтер қандай мезонларга мувофиқ келиши керак? Иш берувчи билан меҳнат муносабатлари қандай йўлга қўйилиши мумкин? Унинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари қандай?

Ташкилотнинг жадал ривожланишини таъминламаса ҳам, ҳеч бўлмаганда барқарор ва зарар кўрмай ишлашига ёрдам берадиган айрим муҳим жиҳатларга тўхталиб ўтамиз.

7-бетда



Ушбу сонда:

2-БЕТ

Ишлаб чиқаришнинг энергия жиҳатдан самарадорлиги хулосасини қандай олса бўлади

Томорқа қанча ҳосил берапти?

3-6-БЕТЛАР

Таътил вақтида сақланиб қолинадиган ўртача маош қанча бўлади?



Хусусий болалар боғчалари солиқ имтиёзига эга бўлди

олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базадан ёки ЯСТ бўйича солиқ солинадиган базадан чегириб ташланади.

2. 1.01.2023 йилгача нодавлат МТМ учун **ЯИТ ставкаси** меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларнинг 10%и миқдориди белгиланди. ДХШ асосида ташкил этилган нодавлат МТМ учун эса – ДХШ тўғрисида битим имзоланган ойдан бошлаб **10 йил муддатга ЯИТ 5%ни** ташкил этади.

3. **Жорий йилнинг 15 апрелидан бошлаб** кичик тадбиркорлик субъектларига мансуб бўлиши учун **МТМ ходимларининг чегараланган ўртача йиллик сони** 100 нафаргача белгиланган (*айни пайтда – 25 нафарни ташкил этади*).

ДХШ бўйича лойиҳаларда қандай ташаббус кўрсатилади ва танлов қандай ўтказилади

Нодавлат мактабгача таълим хизматлари кўрсатиш истагида бўлган субъект Мактабгача таълим вазирлигига тегишли аризани беради, унда қуйидагилар кўрсатилади:

➤ хусусий шерикнинг номи ва жойлашган жойи – юридик шахслар учун, шахсий маълумотлари ва яшаш манзили – жисмоний шахслар учун;

➤ лойиҳани амалга ошириш мақсадлари;

➤ назарда тутилган битим объекти ёки ер участкаси тўғрисидаги маълумотлар.

Келиб тушган ариза Вазирлик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Давлат рақобат қўмитаси билан биргаликда 10 кун ичида қўриб чиқилади. Улардан ижобий хулосалар олинганидан кейин танлов эълон қилинади. Танлов, шунингдек, вазирлик ташаббуси билан ҳам ўтказилиши мумкин.

У бошланишдан 30 кун олдин Вазирлиkning сайти ва бошқа ОАВларда, ижтимоий тармоқларда танлов савдолари ўтказилиши ҳақидаги эълон жойлаштирилади. Танловда иштирок этиш учун хусусий шерик қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда Вазирликка буюртма топширади:

➤ юридик шахс рўйхатдан ўтказилганлиги тўғриси-

даги гувоҳнома ёки паспорт нусхалари – жисмоний шахс учун;

➤ буюртма тақдим этилишидан кўпи билан 1 ой олдин муддатда солиқлар, йиғимлар, бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи ҳамда бошқа молиявий санкциялар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома;

➤ лойиҳани амалга оширишнинг молиявий имкониятларини тасдиқловчи – соф активлар, лойиҳа қийматининг камида 25%и миқдориди бошқа ташкилотнинг кафилиги тўғрисидаги маълумотлар;

➤ МТМ биносини қуриш (реконструкция қилиш) учун эскизли лойиҳа тақлифи;

➤ бино қурилиши учун дастлабки техник-иқтисодий кўрсаткичлар;

➤ ариза қўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (ЭКИХнинг 1 баравари).

Ариза махсус комиссия томонидан қўриб чиқилди, танлов тақлифи лойиҳани амалга ошириш учун энг мақбул деб топишган иштирокчи танлов ғолибига айланади. 10 кун ичида у билан ДХШ тўғрисидаги битим тузилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 5.04.2018 йилдан кучга кирди.

Ишлаб чиқаришнинг энергия жиҳатдан самарадорлиги хулоса билан тасдиқланади

Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг қарори (3.04.2018 йилда 2991-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатдан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги, шунингдек ёқилгининг муқобил турларидан фойдаланиш тўғрисида хулосалар бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Бундай хулосалар «Ўздавэнергоназорат» ва «Ўздавнефтегазинспекция» инспекцияси томонидан «Энергияни тежаш миллий компанияси» АЖ билан биргаликда табиий газ ва электр энергиясини реализация қилишда нарх белгилашнинг алоҳида тартиби белгиланган истеъмолчи ташкилотларга берилади.

Тахририятдан: Моҳиятан олганда, ушбу хулоса фақат пиширилган гишт, асфальт ва цемент ишлаб чиқарувчи, энергия жиҳатидан самарали технологиялар ва ускуналарни жорий этган, шунингдек ёқилгининг муқобил турларидан (қўмирдан), шу жумладан цемент ишлаб чиқаришнинг «қуруқ усули»дан фойдаланувчи корхоналарни қизиқтиради. Хулоса мавжуд бўлганда улар истеъмол қилинадиган табиий газ ҳақини амалдаги тарифга (1 куб м учун 289,74 сўм) нисбатан 1,6 коэффицентни қўллаган ҳолда, яъни 1 куб м учун 463,6 сўмдан тўлай-

дилар. Бу газ ва электр энергияси учун нарх белгилашнинг алоҳида тартиби белгиланган бошқа ҳўжалик юртувчи субъектлар 1 куб м учун 1 000 сўмдан тўлаганидан кўра 2 баравар фойдалироқ.

Хулоса олиш учун ташкилот «Ўздавэнергоназорат» ёки «Ўздавнефтегазинспекция» инспекциясининг ҳудудий бўлимига ариза билан мурожаат қилади, унга стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатнинг нусхасини илова қилади. Унда улар томонидан қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичлари акс эттирилади.

Ариза қозғоғ ёки электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

Инспекциялар мутахассислари ариза олинган кундан бошлаб 5 иш куни ичида ташкилотга борган ҳолда қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатга мувофиқлиги, шунингдек ёқилгининг муқобил турларидан фойдаланилаётганлигини ўрганадилар. Мутахассислар ташкилотда сертификатланган ва энергия жиҳатдан самарали асбоб-ускуналар ва приборлар қўлланилаётганини ҳам ўрганадилар.

Ўрганиш натижалари юзасидан 2 нусхада маълумотнома тузилади, у инспекциялар мутахассислари, ташкилотнинг раҳбари ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Маълумотнома «Энергияни тежаш миллий компанияси» АЖга юборилади, бу ерда у 10 кун ичида ўрганиб чиқилади.

«Энергияни тежаш миллий компанияси» АЖ қўлланилаётган технологиялар ва асбоб-ускуналарни энергия жиҳатдан самарадорлик кўрсаткичларига

мувофиқ (ёқилгининг муқобил турларидан фойдаланилади) деб топганда хулосани расмийлаштиради ва уни шу куннинг ўзида тегишли инспекциянинг ҳудудий бўлимига кейинчалик ташкилотга бериш учун юборади. Хулоса компания ва инспекцияларнинг ҳудудий бўлими раҳбарлари томонидан имзоланган ҳамда уларнинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим. Хулоса 5 йил муддатга берилади. Унга асослангич ҳужжатлар илова қилинади.

Аксинча, хулоса технологиялар ва асбоб-ускуналар энергия жиҳатдан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқ эмас деб топилса, асослангич раҳат тайёрланади, у кейинчалик ташкилотга тақдим этиш учун тегишли инспекциянинг ҳудудий бўлимига юборилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 3.04.2018 йилдан кучга кирди.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Қўламазорлаштириш, экиш, дизайн. Қўчатлар: барги тўкиладиган, игнабаргли, мевали. Тўлов исталган усулда. Тел. (+998 90) 317-33-45, факс (+998 71) 262-48-16.

Яшнобод тумани «1-AVTOBUS SAROYI» МЧЖга тегишли бўлган Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Уйсозлар кўчаси, 3-уй манзилининг 11.03.2016 йилда берилган, кадастр рақами 10:04:01:03:03:0027 ва унга тегишли бўлган Бинолар, иншоотлар ва қўй йиллик даракларга бўлган ҳужжнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида TS 016 33 08 рақамли ГУВОҲНОМА ҳужжатини йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Яшнобод тумани «1-AVTOBUS SAROYI» МЧЖга тегишли бўлган Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фарғона йўли ва ТХАЙ манзилининг 14.11.2007 йилда берилган, кадастр рақами 10040101010016 бўлган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ленара Хикматова, Анвар Ибраҳимов, «Norma» МЧЖ экспертлари.

УШБУ СОНДА

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
1-2-бетлар

• ИШ БЕРУВЧИГА ЁРДАМ

– Бош бухгалтер: вақансия очқ
1, 7-8-бетлар

• РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг қарори

– «Дехқон ҳўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида».

Идоравий меъёрий-ҳуқуқий

ҳужжат:

– ЎЗР Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, МВнинг «Йиллик меҳнат таътили вақтида сақланиб қолинган ўртача иш ҳақи миқдорини аниқлаш тартиби

тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 10 мартдан 16 мартгача бўлган маълумот

3-6-бетлар

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақида ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман қўчириб бериш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайитириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– «Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида».

– **ИДОРАВЙ МЕЪЁРИЙ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТ:**

– ЎзР Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, МВнинг «Йиллик меҳнат таътили вақтида сақланиб қолинадиган ўртача иш ҳақи миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги қарори».

• **НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РУЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 10 МАРТДАН 16 МАРТА ГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕХҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 26.03.2018 йилдаги 12 (824)-сон, 224-модда)

Сўнгги йилларда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича амалга оширилган ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари сезиларли даражада ошишга эришилди.

Айниқса, аҳоли томонидан хонадонларда барпо этилган иссиқ-хоналарда лимон етиштириш, 100 бошдан товуқ божуш ташкил қилиниши натижасида 2017 йилнинг ўзида қўшимча 1,2 минг гектар майдонда лимонарий барпо этилди, 32 минг хонадонга 3,2 млн та 90 кунлик товуқ тарқатилиб, 2,3 млн донга тухум етиштиришга эришилди. Шунингдек, грек ёнғоғи, унаби каби инсон саломатлиги учун фойдали мевали кўчатлар экиш ташкил қилинди.

Шу билан бирга, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланишда қатор муаммо ва камчиликлар кузатилмакда. Хусусан:

муайян экин тури, парранда ёки чорва молларини парваришдаги аҳолининг хоҳиши, тажрибаси ва шароити ҳисобга олинмаган;

тупроқ-иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда экинларни жойлаштириш, талаб қилинадиган уруғлик, ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан таъминлаш тизими самарали ишламади;

томорқа ер участкаларида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш, олдиндан шартнома тузиш ва аванс тўловини қафолатли амалга оширишда молиявий таъминот масалалари охиригача ўз ечимини топмаган;

хонадонларда парваришланаётган парранда, чорва молларини касалликларга қарши эмлаш, зарур миқдорда ем ва эмлаш препаратларини етказиб бериш хизматлари тўлақонли йўлга қўйилмаган.

Энг асосийси, фуқароларнинг ўзларига бириктирил берилган томорқа ерларидан қўшимча даромад манбаи сифатида фойдаланишдаги эътиборсизлиги, ердан фойдаланиш маданиятининг тўлақонли шаклланимаганлиги, соҳага оид қонуналардан ердан хўжасизларча фойдаланиш ҳолларига нисбатан жавобгарлик механизми қатъий белгиланмаганлиги натижасида мавжуд 445 минг гектар томорқа ер участкасининг 18,9 минг гектаридан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ер участкасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва томорқа ер участкасидан олиннадиган даромадларни янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низоом 1-иловага мувофиқ;

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларига қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, экиш ва парваришлаш, шунингдек, зарур моддий ресурслар етказиб берилишини мувофиқлаштирувчи республика ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда Республика ишчи гуруҳи деб аталади) таркиби 2-иловага** мувофиқ;

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларига қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, экиш ва парваришлаш, шунингдек, зарур моддий ресурслар етказиб берилишини мувофиқлаштирувчи республика ишчи гуруҳи аъзоларига бириктирилган ҳудудлар рўйхати 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика ишчи гуруҳига (Мирзоев, Нарбаева) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биралиқда:

мазкур қарор билан тасдиқланган Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низоом талабларининг тўлақонли бажарилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатиш;

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда зарур бўлган ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, сифатли уруғлик ва кўчатларни ҳамда чорва моллари ва паррандалар учун озуқаларни жойларда (махаллада) сотиш ишларини ташкил этиш;

томорқа ер участкаларига қишлоқ хўжалиги экинларини оптимал муддатларда экиш, парваришлаш, зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларга қарши курашиш ҳамда боқиладиган чорва моллари ва паррандаларни эмлаш тадбирларини амалга оширишда соҳага оид илмий-тектириш институтлари, олимлар ва тажрибали агрономларнинг амалий ёрдамларини ташкил этиш;

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан етиштирилган ҳосил ёки маҳсулотларини сотиб олишнинг қафолатланган механизмининг йўлга қўйиш мақсадида тайёргов, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи ташкилотларни аниқ ҳудудларга бириктириш;

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилишини мониторинг ва таҳлил қилиб бориш, умумлаштириш ва ҳар ой якунида кейинги ойнинг 5-санасигача камчиликларни бартараф қилиш ва тизимини такомиллаштиришга доир Вазирлар Маҳкамасига маълумотлар ва тақлифларни киритиш.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 23.03.2018 йилда расман эълон қилинган.

**2–3-иловага берилмайдۇ. Хўжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТда ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳоимликлари, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши қишлоқ ва овулларда сифатли уруғ ва кўчатлар етказиб бериш ишларини амалга ошириш, бунинг учун доимий ҳамда мавсумий ҳаракатланувчи савдо дўконларини ташкил қилишга шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

4. «Ўзгрохимбўёқима» АЖ деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер участкаларида қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштириш учун зарур бўлган минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини жойларга етказиб бериш орқали деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларида пуллик хизматлар қўрсатилишини ташкил этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси, Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер участкаларида экишга мўлжалланган мевали ва манзарали кўчатларни қишлоқ ва овулларда сотиш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари орқали деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер участкаларида самарали фойдаланишнинг илғор тажрибалари ва иқтисодий фойдаси тўғрисида махсус кўрсатув ва эшиттиришларни мунтазам равишда ташкил этсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг ўринбосари З.Т.Мирзаев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳоимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,
2018 йил 18 март
205-сон.

ЎзР ВМнинг 2018 йил 18 мартдаги 205-сон қарорига
1-ИЛОВА

ДЕҲҚОН ҲЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МОНИТОРИНГНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер участкаларида (кейинги ўринларда томорқа ер участкалари деб аталади) қишлоқ ҳўжалиги экинларини жойлаштириш, парранда ва чорва молларини парвариш қилиш, мевали ва манзарали дарахтлар экиш ишларини тизимли ташкил этиш ҳамда томорқа ер участкаларида самарали фойдаланиш мониторингини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: **деҳқон ҳўжалиги** – оилавий майда товар ҳўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи ҳўжалик;

томорқа ер участкаси – қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини эркин савдо ҳамда оила эҳтиёжлари учун етиштириш, шунингдек, яққа тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш мақсадида оила аъзоларидан бирига умрбод эгалик қилиш учун мерос қилиб қолдириладиган қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ўлчамларда ажратиб бериладиган ер участкаси;

тўқсонбости экинлари – навбатдаги йилда эрта ҳосил етиштириш учун кеч қузда (ноябрь ойининг учинчи ва декабрь ойининг биринчи ун қунлиги оралиғида) совуқ ва намгарчилик бошланмасдан олдин экиладиган совуққа чидамли सबзавот экинлари;

улгуржи истеъмолчилар – тайёрловчи, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар;

эртати (эртанишар) экинлар – ҳудудларнинг табиий тупроқ-иқлим шароитлари ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда, қиш ва эрта баҳорда экиладиган картошка, सबзавот, поллиз ва бошқа экинлар;

ўртақи (ўртанишар) экинлар – сугориладиган ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва қўшимча ҳосил олиш учун тўқсонбости усулида ва эрта баҳорда экилган экинлардан бўшган майдонларга тақририй экин сифатида экиладиган картошка, सबзавот, поллиз ва бошқа экинлар.

3. Томорқа ер участкаларида самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш ушбу Низомнинг 1-иловасидаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-БОБ. ТОМОРҚА ЕР УЧАСТКАЛАРИДА ЭКИЛАДИГАН ЭКИНЛАР ҲАМДА БОҚИЛАДИГАН ЧОРВА МОЛЛАРИ ВА ПАРРАНДАЛАР СОННИН УЎРГАНИШ ВА ПРОГНОЗ КЎРСАТИҚЛАРИНИ ШАҚЛАНТИРИШ, ТАСДИҚЛАШ ҲАМДА ИЖРОГА ҚАРАТИШ ТАРТИБИ

4. Туман ҳокимининг қарорига мувофиқ томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича туман

фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг раиси бошчилигида ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – ишчи гуруҳ деб аталади) ташкил этилади.

Ишчи гуруҳ таркибига туман фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади), туман қишлоқ ҳўжалиги бўлими, туман сув ҳўжалиги бўлими, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, профилатика инспектори, туман қасаба уюшмалари, хотин-қизлар қўмитаси, туман бандлиқа кўмаклаштиш маркази, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши, туман давлат солиқ инспекцияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари киритилади.

Ишчи гуруҳ ўз ишларини самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳудудларнинг жадал иқтисодий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 8 августдаги ПҚ–3182-сон қарори билан ташкил этилган секторлар қесимида бўлиниб, иш олиб боради. Сектор раҳбарлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ишчи гуруҳ фаолиятининг самарали олиб борилиши учун барча шароитларни яратишга масъулдир.

5. Ишчи гуруҳ томонидан ҳар йили декабрь-январь ойларида хонадонма-хонадон юриб томорқа ер участкалари майдонлари, тупроқ-иқлим шароити ва сув таъминотида келиб чиқиб экин турлари, мевали дарахтлар тури ва сони, чорва моллари ва паррандалар сони, шунингдек, уларнинг йил давомида томорқа ер участкасида (эртати, ўртақи ва тўқсонбости) етиштириладиган маҳсулот турлари ва сотиш ҳажмлари ҳамда иссиқхона барпо этиш, чорва моллари ва парранда боқишга бўлган хоҳиши ўрганиб чиқилади.

Ишчи гуруҳ томонидан ҳар бир ўрганилган хонадон бўйича ушбу Низомнинг 2-иловасидаги* шаклда маълумотнома тўлдирлади ва Кенгашга тақдим этилади.

6. Ишчи гуруҳ томонидан тақдим этилган ўрганиш натижалари Кенгаш томонидан умумлаштирилади ва фуқаролар йиғини қесимида тайёрланган маълумотларни туман ҳокимига 10 февралгача тақдим этилади.

Тақдим этилган маълумотлар туман ҳокими томонидан ўрганиб чиқилади ва 15 февралгача томорқа ер участкалари қесимида етиштириладиган экин ва маҳсулот турлари, уларни сотиш ҳажмлари, шунингдек, иссиқхоналар барпо этиш, мевали ва манзарали дарахтлар экиш ҳамда чорва моллари, паррандалар сотиб олиш прогноз кўрсатиқчларини (кейинги ўринларда прогноз кўрсатиқчлар деб аталади) тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиди ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашига тасдиқлаш учун киритилади.

*Низомга 1–6-иловалар берилмайдۇ. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТда ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

7. Халқ депутатлари туман кенгаши 20 февралгача туман ҳокимининг прогност кўрсаткичлар тўғрисидаги қарорини ўз сессиясида қўриб чиқади ва тасдиқлайди.

8. Халқ депутатлари туман кенгашининг сессиясида тасдиқланган туман ҳокимининг прогност кўрсаткичлар тўғрисидаги қарори нусхаси сектор раҳбарлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 1 мартгача қарорда назарда тутилган деҳқон ҳўжаликлари бошлиқларига ва томорқа ер эгаларига уларнинг олганлигини тасдиқловчи имзо қўйдирган ҳолда етказилади.

3-БОБ. ТОМОРҚА ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

9. Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадига сектор раҳбарлари қўйидагиларни амалга оширадilar:

томорқа ер участкасини шудгорлаш, экишга тайёрлашда пулли хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш;

томорқа ер участкалари учун урулгик, қўчат, зарур минерал ўғит, кимёвий воситалар ҳамда чорва моллари ва паррандаларга озўқларнинг жойида (маҳаллада) доимий савдосини, шунингдек, қўчма дўконлар орқали сотилишини ташкил этиш;

олдиндан тўлов амалга оширилган ҳолда экин турларини парваришлаш учун зарур моддий техник ресурсларни етказиб бериш, мевали ва манзарали дарахтларга шакл ва кимёвий ишлов беришни ташкил қилиш;

чорва моллари ва паррандаларга пулли зооветеринария хизматлари кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш;

иссиқхоналар барпо этиш, чорва моллари ва паррандалар харид қилиш ва бошқа зарур эҳтиёжлар учун моливий қўмак (шу жумладан, банк кредитлари) берилишида ҳамда зарур материаллар таъминотида амалий ёрдам беришни ташкил этиш.

10. Кенгаш томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишда юзага келаётган муаммо ва камчиликларни мунтазам ўрганиб боради ва тегишли маълумотларни тайёрлаб туман ҳокимига тақдим этади.

4-БОБ. ТОМОРҚА ЕР УЧАСТКАЛАРИДА ЕТИШТИРИЛГАН МАЎСУЛОТЛАР ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА УЛАРНИНГ СОТИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

11. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томорқа ер участкаларида етиштирилган маўсулотлар, шунингдек, боқиладиган чорва моллари ва паррандаларнинг аниқ ҳисобини юритиш мақсадига экинлар, маўсулотлар ҳақми, сотилган, экспорт қилинган ва ички истеъмол учун қолган микдорлари тўғрисида ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 15-санасига қадар Кенгашга ушбу Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ маълумот тақдим этади.

Кенгаш томонидан томорқа ер участкаларида етиштирилган маўсулотлар ҳақми, шунингдек, ички истеъмолдан ортиқча қисmini сотиш бўйича туман ҳокимлигига маҳаллалар кесимида маўсулот ҳажмлари кўрсатилган тақдимномалар киритиб борилади.

Томорқа ер участкаларида етиштирилган маўсулотларнинг ички истеъмолдан ортиқча қисми сотилишни ташкил этиш мақсадига сектор раҳбарлари томонидан улғуржи истеъмолчи ташкилотлари, уларнинг хоҳишига қўра, худудларга бириктириш ва улар томонидан томорқа ер участкаларида етиштирилган маўсулотларни қабул қилиш шохоб-чаларини ташкил қилишни йўлга қўйиш, бозор маъмуруяти билан эса етиштирилган маўсулотни бевосита бозорда сотиш тўғрисида шартномалар тузилиши тизими равишда ташкил этилади.

Шунингдек, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер участкаларида хатловга бinoш қўзланган мева қўчатлари ва सबзавотлар экиш учун зарурий қўчатлар ва урулгиклар етказиб бериш ва парваришлаш давомида агротехнологик хизматлар кўрсатиш, етиштирилган маўсулотларнинг тўловини амалга оширган ҳолда йиғиб олиш ҳамда захирага, қайта ишловига, экспортёрларга етказиб беришча томорқа-хизмат тузилмалари ташкил этилиши мумкин.

12. Улғуржи истеъмолчи ташкилотлар томонидан деҳқон ҳўжаликлари бошлиқлари ва томорқа ер эгаларидан харид қилинган қишлоқ ҳўжалиги маўсулотлари турлари юзасидан ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар Кенгашга ва туман қиш-

лоқ ҳўжалиги бўлимига ушбу Низомнинг 4-иловасига* мувофиқ маълумот тақдим этиб боради.

13. Томорқа ер участкаларида боқиладиган чорва моллари ва паррандаларга кўрсатилган ветеринария хизматлари юзасидан туман ветеринария бўлими, минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар билан таъминлаш юзасидан «Агрокимёхимия» АЖ туман филиали ва бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларига кўрсатилган хизматлар юзасидан ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар Кенгашга ҳамда туман қишлоқ ҳўжалиги бўлимига тегишли маълумот тақдим этиб боради.

5-БОБ. ТОМОРҚА ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШ ВА НАТИЖАСИ ЮЗАСИДАН ЧОРАЛАР ҚЎРИШ

14. Ишчи гуруҳ аъзолари сектор раҳбарлари билан биргаликда хонадонма-хонадон юриб туман ҳокимининг прогност кўрсаткичлар тўғрисидаги қарорининг томорқа ер эгалари ва деҳқон ҳўжалиги бошлиғи томонидан бажарилиши мониторингини амалга оширади.

Мониторинг ишларини ўтказиш, қоида тариқасида, экиш (март-апрель, август-сентябрь, ноябрь-декабрь ойлари) ва парваришлаш даври бўйича белгиланади.

15. Томорқа ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлиги мониторингини юритиш жараёнида ишчи гуруҳнинг талабига бinoшан бошқа ташкилотлардан мутахассислар жалб этилиши мумкин.

16. Мониторинг натижасида экин ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланиб, туман ҳокимининг прогност кўрсаткичлар тўғрисидаги қарорда белгиланган экин турларини тўлиқ экан, агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли бажарган, йилда камида икки ёки уч марта юқори ҳосил олган ҳамда томорқани ободонлаштирган, чорва моллари ва паррандаларнинг бош сонини сақлаган ва қўлайтиришга эришган томорқа ер эгасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроеко-номик кўрсаткичлари прогност ва давлат бюджет параметрлари тўғрисида» ПҚ-3454-сон қарорининг 28-бандида назарда тутилган солиқ имтиёзларини қўллаш сифатида ер солиғи ставкасини пасайтирувчи коэффициентини қўллаш бўйича, ишчи гуруҳнинг маълумотномаси асосида, Кенгаш томонидан ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15-санасига туман ҳокимига ушбу Низомнинг 5-иловасига* мувофиқ тақлиф киритилади.

Туман ҳокими Кенгаш раиси билан биргаликда макур томорқа ер участкаси эгасига:

жорий йил учун ер солиғи бўйича имтиёз бериш юзасидан туман давлат солиқ инспекциясига тақдимнома киритади;

«Меҳнатқаш деҳқон» ва «Намунали томорқачи» кўрак нишонлари бериш бўйича тегишли тасвирномаларни ўрнатилган тартибда тақдим этади.

17. Мониторинг натижасида томорқа ер участкаларида туман ҳокимининг прогност кўрсаткичлар тўғрисидаги қарорда тупроқ-иклим шароити ва сув таъминотида келиб чиққан ҳолда белгиланган экин турлари ҳамда мевали ва манзарали дарахтлар экилмаганлиги, чорва моллари сотиб олинмаганлиги, иссиқхона барпо этилмаганлиги, шу жумладан ер участкаси ободонлаштирилмаганлиги аниқланса, ишчи гуруҳ томонидан ушбу Низомнинг 6-иловасига* мувофиқ оғохантириш хати жойида тайёрланади ва унинг бир нусхаси тегишли деҳқон ҳўжалиги бошлиғи ёки томорқа ер эгасига берилади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкил чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сон қарорининг талаблари тушунтирилиб, камчиликларни бартараф этиш учун бир ҳафталик муддат белгиланади.

Оғохантириш хатидаги муддат тугагандан сўнг ишчи гуруҳ томонидан деҳқон ҳўжалиги бошлиғи ва томорқа ер эгасининг манзилига бориб, йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилганлиги назорат тариқасида қайта ўрганилади. Ўрганиш натижасида илгари йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилмаган бўлса, бир кун муддатда бу ҳақда Кенгашга хабарнома киритилади. Кенгаш томонидан туман ҳокимлигига хабарнома ва оғохлантириш хатлари илова қилинган ҳолда маълумот тақдим этилади.

18. Туман ҳокими Кенгаш раиси билан биргаликда ҳар чорак

бўйича кейинги ойнинг 15 санасига томоғра ер участкаларидан асоссиз равишда самарасиз фойдаланганлик ҳолати юзасидан:

а) томоғра ер эгасига жорий йил учун ҳисобланган ер солигининг уч баробари миқдорини қўллашни сўраб туман давлат солиқ инспекциясига тақдимнома киритиш, бунда томоғра ер эгасига нисбатан йил давомида қўли билан бир марта тақдимнома киритилади;

б) деҳқон ҳўжалигига нисбатан ер участкасига бўлган ҳўқуқини қўнун ҳўжатларида белгиланган тартибда бекор қилиш бўйича қоралар қўрилади.

19. Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан томоғра ер эгасига жорий йил учун ер солиги бўйича имтиёз бериш ёки ҳисобланган ер солигининг уч баробари миқдорини қўллаш тўғрисидаги тақдимнома беш кун муддатда қўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинади.

6-БОБ. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДА

20. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қўнун ҳўжатларига мувофиқ жавоб беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОИ

ЙИЛЛИК МЕХНАТ ТАЪТИЛИ ВАҚТИДА САҚЛАНИБ ҚОЛИНАДИГАН ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ Тўғрисидаги Йўриқномани Тасдиқлаш Ҳақида*

(«Ўзбекистон Республикаси қўнун ҳўжатлари тўплами», 26.03.2018 йилдаги 12 (824)-сон, 227-модда)

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан
2018 йил 17 мартда рўхатдан ўтказилди, рўхат рақами 2985

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги ПФ-5290-сон «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кўнларни белгилаш ва дам олиш кўнларини кўчириш тўғрисидаги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирига ҳамда Молия вазирига қарор қилади:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири
А.ХАЙТОВ.
8-қ/қ-сон

Молия вазири
Д.КУЧКАРОВ.
47-сон

Тошкент ш., 2018 йил 28 февраль.

*Ушбу қарор қўнун ҳўжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 17.03.2018 йилда расман эълон қилинган.

ЎзР БММВ ҳамда МВнинг
2018 йил 28 февралдаги 8-қ/қ, 47-сон қарорига
ИЛОВА

ЙИЛЛИК МЕХНАТ ТАЪТИЛИ ВАҚТИДА САҚЛАНИБ ҚОЛИНАДИГАН ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ Тўғрисидаги Йўриқнома

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги ПФ-5290-сон «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кўнларни белгилаш ва дам олиш кўнларини кўчириш тўғрисидаги» Фармонига (бундан буён матнда Фармон деб юртилади) мувофиқ 2018 йилдан бошлаб расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кўнлар белгиланганлиги ва йиллик меҳнат таътили муддати ушбу кўнларга қаматирилишини ҳисобга олган ҳолда йиллик меҳнат таътили вақтида сақланиб қолинадиган ўртача иш ҳақи миқдорини аниқлаш, шунингдек фойдаланилмаган меҳнат таътили учун пуллик компенсация тўловини (бундан буён матнда пуллик компенсация деб юртилади) ҳисоблаб чиқиш тартибини белгилайди.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Йўриқноманинг талаблари бюджет ташкилотлари ходимларига нисбатан қўлланилиши мажбурий ҳисобланади, ҳарбий хизматчилар бундан мустанос.

Бюджет ташкилотлари ҳисобланмаган ташкилотларнинг ходимлари учун ушбу Йўриқноманинг талаблари тавсиявий ҳуссията эга.

2. Ушбу Йўриқноманинг талаблари ижтимоий таътиллarga (ҳўмладорлик ва туғиш, болаларни парваришлаш, ўқиш билан боғлиқ ва иккуний таътиллarga), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 135-моддаси биринчи қисмига мувофиқ

белгиланадиган йиллик узайтириладиган асосий таътиллarga нисбатан таътиб қилинмайди.

3. Ўртача иш ҳақи миқдорини ҳисоблаб чиқишда қўнун ҳўжатларига мувофиқ сўғурта бадалларини (давлат ижтимоий сўғуртаси бўйича бадалларни) ҳисоблашдаги барча тўловлар ҳисобга олинади.

2-БОБ. МЕХНАТ ТАЪТИЛИ ВАҚТИДА ХОДИМНИНГ САҚЛАНИБ ҚОЛИНАДИГАН ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ ВА ПУЛЛИК КОМПЕНСАЦИЯНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚИШ

1-§. Меҳнатга вақтбўй ҳақ тўлашда ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш

4. Ўртача иш ҳақи ҳисоб-китоб кўнида белгиланган тариф ставкасидан (лавозим маошидан) келиб чиқиб:

ташкilotда 12 ойдан ортиқ ишлаган ходимлар учун – меҳнат таътили ҳақи ҳисоб-китоб қилинаётган ойдан олдинги 12 ой учун олинган тариф ставкасидан (лавозим маошидан) ортиқ бўлган барча тўловларнинг ўн иккундан бир қисмига;

ташкilotда тегишли равишда 6 ойдан 11 ойгача ишлаган ходимлар учун – меҳнат таътили ҳақи ҳисоб-китоб қилинаётган ойдан олдинги 6 ва ундан ортиқ ойлار учун олинган тариф ставкасидан (лавозим маошидан) ортиқ бўлган барча тўловларнинг олтиндан бир қисмига (тегишли равишда еттиндан бир қисмига, саккиздан бир

қисмига, тўғиздан бир қисмига, ўндан бир қисмига, ўн бирдан бир қисмига) оширилган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

1-мисол. Ходимга 7 ой ишлагандан кейин меҳнат таътили берилган. Ходимнинг ҳисоб-китоб кунидаси тариф ставкаси 850 минг сўми ташкил этади. Бутун ишлаган даврда у 1 млн 500 минг сўм миқдорда мукофотлар, устамалар ва қўшимча ҳақлар олган. Меҳнат таътили ҳақини ҳисоблаб чиқиш учун ходимнинг ўртача иш ҳақи куйдагисини ташкил этади: 850 минг сўм + (1 млн 500 минг сўм : 7) = 1 млн 64 минг сўм.

Ходимларнинг ўртача иш ҳақлари ишлаган вақтига мутаносиб равишда тариф ставкаси (плавозим маоши) асосида аниқланади.

Ҳисоблаб кунига тўғри келадиган иш ҳақи бўлмаган ходимлар (масалан, вақтинчалик иш бўлмаганлиги учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда бўлганлар, бола парваришида бўлганлар, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз бўлганлар) ёки ходимнинг ўртача иш ҳақи миқдори қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланганда, ўртача даромад ушбу даврдан олдинги ўтган ой учун ҳисобланган иш ҳақи асосида ҳисобланади.

5. Ўртача иш ҳақини аниқлашда мукофотлар ва тариф ставкасидан (плавозим маошидан) ортиқ ҳисобланган бошқа тўловлар улар ҳисобланган даврдан қатъи назар улар ҳисобланган ой бўйича ҳисобга олинади.

2-мисол. Жорий йилнинг июль ойида таътил олаётган ходимга биринчи ярим йиллик учун мукофот августда ҳисобланган. Мазкур мукофот жорий йил учун меҳнат таътили ҳақини ҳисоб-китоб қилишда ҳисобга олинмайди, кейинги таътилни ҳисоб-китоб қилишда ҳисобга олинади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги 339-сон «Давлат хизматчиларининг плавозим маошларига йиғирма фойдали устама ҳақ белгилаш тўғрисида»ги қарори билан меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти белгиланган ходимларнинг тариф ставкаси (плавозим маоши) меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

3-мисол. Ходимга у ишлаган йил (12 ой) учун меҳнат таътили берилган. Ходимнинг тариф ставкаси (плавозим маоши) ҳисоб-китоб кунида 850 минг сўми ташкил этади. Шунингдек, 40% миқдорда меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти белгиланган. Бутун ишлаган даврда 3 млн сўм миқдорда мукофотлар, устамалар ва қўшимча ҳақлар олган. Меҳнат таътили ҳақини ҳисоб-китоб қилиш учун ходимнинг ўртача иш ҳақи куйдагисига ҳисобланади: 850 минг сўм * 1,4 + (3 млн сўм : 12) = 1 млн 440 минг сўм.

2-5. Меҳнатта ишбай ҳақ тўлашда ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш

7. Ўртача иш ҳақи ҳисоб-китоб кунини белгиланган ишлар тарификацияси бўйича ҳисоблаб чиқилган тариф ставкасидан келиб чиқиб:

ташкilotда 12 ойдан ортиқ ишлаган ходимлар учун – меҳнат таътили ҳақи ҳисоб-китоб қилинадиган ойдан олдинги 12 ой учун олинган, ишлар тарификацияси бўйича ҳисоблаб чиқилган ҳисоб-китоб тариф ставкасидан ортиқ бўлган барча тўловларни, шу жумладан ишбай қўшимча ҳақнинг ўн иккидан бир қисмига;

ташкilotда тегишли равишда 6 ойдан 11 ойгача ишлаган ходимлар учун – меҳнат таътили ҳақи ҳисоб-китоб қилинаётган ойдан олдинги 6 ой ва ундан ортиқ ойлار учун олинган ишлар тарификацияси бўйича ҳисоблаб чиқилган ҳисоб-китоб тариф ставкасидан ортиқ бўлган барча тўловларнинг, шу жумладан ишбай қўшимча ҳақнинг олтидан бир қисмига (еттидан бир қисмига, саккиздан бир қисмига, тўғиздан бир қисмига, ўндан бир қисмига, ўн бирдан бир қисмига) оширилиб ҳисоб-китоб қилинади.

8. Ходимнинг тариф ставкаси ташкilotда қўлланилмайдиган меҳнат ҳақ тўлаш бўйича тариф сеткасига мувофиқ ходим томонидан бажариладиган ишларнинг белгиланган разрядидан келиб чиқиб белгиланади.

9. Ишбай қўшимча ҳақ ходим белгиланган меҳнат нормасини ортиги билан бажарганда ҳосил бўлади ва ходим меҳнат таътили ҳақини ҳисоб-китоб қилиш учун қабул қилинган ҳар ойлик даврда олган амалдаги иш ҳақидан (мукофотлар, устамалар ва қўшимча ҳақлари ҳисоба олмаганда) ушбу Йўриқноманинг 8-бандига

мувофиқ белгиланган тариф ставкасини айириб ташлаш орқали аниқланади.

Мукофотлар, устамалар ва қўшимча ҳақлар улар ҳисобланган даврдан қатъи назар ҳисобланган ой бўйича ҳисобга олинади.

4-мисол. 4-разрядли ходимга 2017 йил 3 декабрдан бошлаб таътил берилган. Ҳисоб-китоб кунини тариф ставкаси 1 млн 200 минг сўми ташкил этади.

Ойлар	Ишбай баҳолаб бўйича ойлик иш ҳақи (минг сўм)	Шу жумладан:		Мукофотлар, устамалар ва қўшимча ҳақлар, ишбай қўшимча ҳақ бундан мустасно (минг сўм)
		тариф бўйича (тариф сеткаси бўйича) (минг сўм)	ишбай қўшимча ҳақ (минг сўм)	
Декабрь, 2016	1 200	1 000	200	-
Январь, 2017	1 200	1 000	200	250
Февраль, 2017	1 550	1 000	550	-
Март, 2017	1 100	1 000	100	-
Апрель, 2017	550	1 000	-	300
Май, 2017	800	1 000	-	-
Июнь, 2017	1 300	1 000	300	-
Июль, 2017	1 350	1 000	350	500
Август, 2017	1 400	1 000	400	-
Сентябрь, 2017	1 500	1 000	500	100
Октябрь, 2017	1 700	1 200	500	500
Ноябрь, 2017	1 500	1 200	300	-
Жами 12 ой учун	15 150		3 400	1 650

Меҳнат таътили ҳақини ҳисоб-китоб қилиш учун қабул қилинган ходимнинг ўртача иш ҳақи 1 млн 200 минг сўми ташкил этади: (ҳисоб-китоб кунини тариф ставкаси) + (3 млн 400 минг + 1 млн 650 минг) / 12 = 1 млн 620 минг 833 сўм.

3-5. Меҳнатта ҳақ тўлашнинг тарифсиз тизимларида ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш

10. Меҳнат таътили ҳақи миқдорини ҳисоблаб чиқиш учун меҳнатта ҳақ тўлашнинг тарифсиз тизимларида (агар меҳнат ҳақининг умумий миқдоридан иш ҳақининг тариф қисmini аниқлаш мумкин бўлмаса, масалан, агар даромад сотиладиган маҳсулотлар тушуши сифатида аниқланса) ўртача иш ҳақи Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ягона тариф сеткаси бўйича белгиланган биринчи разряд тариф ставкаси миқдоридан келиб чиқиб, ҳисоб-китоб тариф ставкасидан ортиқ бўлган барча тўловларнинг ўн иккидан бир қисмига (олтидан бир қисмига, еттидан бир қисмига ва ҳоказо) оширилган ҳолда аниқланади.

5-мисол. Ходимга 2018 йил 10 январдан бошлаб тўлиқ календарь йили учун таътил берилди. Ходимнинг иш ҳақи меҳнат шартномасида белгиланган реализация қилинган маҳсулотдан ажратмалар ҳисобига шаклланди ва доимий ҳисобланади.

Ойлар	Ишбай баҳолаб бўйича иш ҳақи, (сўм)	Шу жумладан:		Мукофотлар, устамалар ва қўшимча ҳақлар, ишбай қўшимча ҳақ бундан мустасно (сўм)
		тариф бўйича (тариф сеткаси бўйича), (сўм)	ишбай қўшимча ҳақ (сўм)	
Январь, 2017	1 200 000	149 775	1 050 225	250 000
Февраль, 2017	1 200 000	149 775	1 050 225	-
Март, 2017	1 200 000	149 775	1 050 225	-
Апрель, 2017	1 200 000	149 775	1 050 225	300 000
Май, 2017	1 200 000	149 775	1 050 225	-
Июнь, 2017	1 200 000	149 775	1 050 225	-
Июль, 2017	1 200 000	149 775	1 050 225	500 000
Август, 2017	1 200 000	149 775	1 050 225	-
Сентябрь, 2017	1 200 000	149 775	1 050 225	100 000
Октябрь, 2017	1 200 000	149 775	1 050 225	500 000
Ноябрь, 2017	1 200 000	149 775	1 050 225	-
Декабрь, 2017	1 500 000	172 240	1 327 760	-
Жами 12 ой учун	14 700 000	1 819 765	12 880 235	1 650 000

Мехнат таътили ҳақини ҳисоб-китоб қилиш учун қабул қилинган ҳодимнинг ўртача иш ҳақи қуйидагиларни ташкил этади: 172 минг 240 + (12 млн 880 минг 235 + 1 млн 650 минг) / 12 = 1 млн 383 минг 093 сўм.

3-БОБ. МЕХНАТ ТАЪТИЛИ БЕРИЛГАНДА УНИНГ МУДДАТИНИ АНИКЛАШ ВА ПУЛЛИК КОМПЕНСАЦИЯНИ ҲИСОБЛАШ

11. Мехнат кодексининг 134-моддасига мувофиқ ҳодимга бериладиган йиллик меҳнат таътилининг муддати 15 иш кунидан кам бўлмаслиги керак. Бунда қонун ҳужжатларида ёхуд жамоа ва/ёки меҳнат шартномаларида йиллик асосий меҳнат таътилининг муддати белгиланиши мумкин.

12. Таътилдан фойдаланиш даври бошлангани меҳнат шартномаси бўйича иш бошланган кундан бошлаб, охири эса, қонун ҳужжатлари ва ички локал ҳужжатларга мувофиқ меҳнат таътили муддатини аниқлаш учун иш стажига киритиладиган ўн икки ойлик даврининг охирига календарь санаси бўйича белгиланадиган иш йилдан қолғиб қиёб аниқланади.

6-мисол. Мехнат шартномасига мувофиқ иш бошланган биринчи кун (ҳодим меҳнат мажбуриятларини бажаришга киришishi шарт бўлган кун) – 2016 йил 5 январь. Биринчи иш йилининг бошланиши – 2016 йил 5 январь, охири – 2017 йил 4 январь; иккинчи иш йилининг бошланиши 2017 йил 5 январь, охири – 2018 йил 4 январь ва ҳоказо.

13. Фармонга мувофиқ қонун ҳужжатларида ёхуд жамоа ва/ёки меҳнат шартномаларида белгиланган ҳодимлар меҳнат таъти-линг (шў жумладан, ҳар йилги қўшимча таътилинг) муддати: 18 ва ундан ортиқ иш кунини ташкил этса – ўн иш кунига; 17 иш кунини ташкил этса – икки иш кунига;

16 иш кунини ташкил этса – бир иш кунига камайтирилади.

7-мисол. Давлат муассасаси ҳодимларига 24 иш кундан иборат асосий меҳнат таътили белгиланган. Фармон қоидаларини ҳисобга олганда натурда бериладиган меҳнат таъти-лининг амалдаги муддати 21 иш кунини ташкил этади (24 – 3).

8-мисол. Ташкилот ҳодимларига 16 иш кундан иборат бўлган меҳнат таътили белгиланган. Фармон қоидаларини ҳисобга олганда натурда бериладиган меҳнат таъти-лининг амалдаги муддати 15 иш кунини ташкил этади (16 – 1).

9-мисол. Ташкилот ҳодимига 15 иш кундан иборат меҳнат таътили белгиланган. Фармоннинг 3-бандининг тўртинчи хат-босишга мувофиқ натурда бериладиган меҳнат таъти-лининг амалдаги муддати 15 иш кунини ташкил этади.

14. Ушбу Йўриқноманинг 13-банди қоидаларини ҳисобга олганда 2018 йилда меҳнат таъти-лининг биринчи кунини:

3 январдан 21 мартга бўлган даврга тўғри келса ҳодимлар-нинг меҳнат таътили муддати – 1 иш кунига;

21 мартдан 1 сентябргача бўлган даврга тўғри келса ҳодим-ларнинг меҳнат таътили муддати – 2 иш кунига;

1 сентябрдан 2018 йилнинг охиригача бўлган даврга тўғри келса ҳодимларнинг меҳнат таътили муддати – 3 иш кунига камайд.

10-мисол. Ҳодимнинг таътиллари жадавали бўйича 24 иш кундан иборат бўлган меҳнат таътили 2018 йил 4 январдан бошланади. Меҳнат таътили бериладиган иш йилида Фармонда белгиланган фақат битта қўшимча ишланмайдиган кун бўлган-лигини ҳисобга олиб, натурда берилган унинг меҳнат таътили муддати 23 иш кунини ташкил этади (24 – 1).

Агар ушбу ҳодимнинг меҳнат таътили 2018 йил 1 апрелдан берилса, у ҳолда унинг таътили натурда 22 иш кунини ташкил этади (24 – 2).

15. Таътил муддати 6 кунлик иш ҳафтаси ҳисоб-китобидан (ташкилотда 5 кунлик иш ҳафтаси белгиланган бўлса ҳам) календарь бўйича иш кунларига ҳисоблаб чиқилади.

16. Таътил кунларини ҳисоб-китоб қилишда меҳнат таътили даврига тўғри келадиган дам олиш (яшланба), иш куни бўлмаган байрам кунлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида мувофиқ белги-ланган қўшимча ишланмайдиган кунлар ҳисобга олинмайди.

17. Ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқилади-ган таътил муддати (пуллик компенсация миқдорини ҳисоблаб чиқишда ва меҳнат шартномаси бекор қилинганда меҳнат таъти-лидан фойдаланишда) ушбу Йўриқноманинг 12-бандига мувофиқ белгиланган меҳнат таътили муддатининг миқдорини ўн иккига бўлиш ва ушбу иш йилидаги ишланган тўлиқ ойлар сонига қўлай-

тириш орқали аниқланади. Бунда 15 календарь кунига ва ундан ортиқча тенг бўлган ортиқча кунлар (тўлиқ ишланган охирига оидан ортиқ кунлар) бир ойгача тўлдирилади, 15 календарь кундан кам бўлган ортиқча кунлар эса чиқариб ташланади.

11-мисол. Ҳодим 9 ой 17 кун ишлади. Меҳнат шартномаси бўйича унинг йиллик меҳнат таътили 15 иш кунини ташкил этади. Ишланган вақтга мутаносиб белгиланган меҳнат таъ-тили муддати 13 иш кунини ташкил этади (15 * 10 / 12).

4-БОБ. МЕХНАТ ТАЪТИЛИ ҲАҚИ ВА ПУЛЛИК КОМПЕНСАЦИЯ МИҚДОРINI БЕЛГИЛАШ

18. Меҳнат таътили ҳақи миқдорини ҳисоб-китоб қилиш учун қабул қилинган (ушбу Йўриқноманинг 2-боби қоидаларига му-вофиқ) ўртача иш ҳақини Ўзбекистон Республикаси Банклик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон қили-надиган ҳар бир календарь йилга иш вақти календарини (иш вақти баланси) бўйича аниқланган опти кунлик иш ҳафтасида жорий календарь йилдаги иш кунларининг ўртача ойлик сонига бўлиш орқали ҳисоблаб чиқиладиган ҳодимнинг ўртача кунлик иш ҳа-қидан қелиб қиёб аниқланади.

12-мисол. 3-мисолага кўра 2018 йил январда таътилга чи-қадиган ҳодимнинг меҳнат таътили ҳақи миқдорини ҳисоблаб чиқиш учун белгиланган ўртача ойлик иш ҳақи 1 млн 440 минг сўмини ташкил этади.

2018 йилга мўлжалланган иш вақтининг тасдиқланган кален-дарига мувофиқ опти кунлик иш ҳафтасида иш вақтининг йиллик фонди 301 иш кунини ташкил этади. Тегшли равишда иш вақти-нинг ўртача ойлик баланси 25,1 иш кунини ташкил этади.

Меҳнат таътили ҳақи миқдорини аниқлаш учун қабул қилин-ган ўртача кунлик иш ҳақи 57 минг 370 сўмини ташкил этади (1 млн 440 минг : 25,1).

19. Ҳодимга тегшли бўлган меҳнат таътили ҳақининг миқдорини ҳисоблаш ушбу Йўриқноманинг 18-бандига мувофиқ ҳисоблаб чиқил-ган ўртача иш ҳақини ушбу Йўриқноманинг 13, 14 ва 16-бандларига мувофиқ натурда бериладиган меҳнат таъти-лининг иш кунлари сонига қўлайитириш орқали амалга оширилади, бунда Фармонда белгиланган қўшимча дам олиш кунларининг амалда фойдаланил-ган сонини ўртача кунлик иш ҳақига қўлайитириш орқали аниқланган меҳнат таътили ҳақи суммаси қўйилади.

13-мисол. Жамоа ёки меҳнат шартномасига мувофиқ ҳо-димга 24 кундан иборат бўлган меҳнат таътили берилиши керак. Фармонга мувофиқ қўшимча ишланмайдиган кунлар белгиланиши ҳисобига меҳнат таътили уч иш кунига қисқар-тирилади. Меҳнат таътили натурда 21 иш кунини ташкил этади (24 – 3).

Меҳнат таътили ҳақи миқдорини аниқлаш учун ўртача кунлик иш ҳақи 57 минг 370 сўмини ташкил этади (12-мисолда бўлгани қаби).

Ҳисобланиши керак бўлган меҳнат таътили ҳақи миқдори 1 млн 376 минг 9 сўмини ташкил этади (21 * 57 370 + 3 * 57 370).

5-БОБ. МЕХНАТ ТАЪТИЛИ ҲАҚИ МИҚДОРINI ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ

20. Ҳодим меҳнат таътилида бўлган даврда тариф ставкалари (лавозим маошлари) миқдори оширилган тақдирда, ташкилот-нинг янги меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари асосида ишлайдиган кунларига тўғри келадиган амалдаги иш кунлари сонидан қелиб қиёб, меҳнат таътили ҳақи қайта ҳисоб-китоб қилинади, яъни иш ҳақи оширилган вақтдан бошлаб таътил тамом бўлган кун-гача бўлган давр учун ўртача иш ҳақининг бир қисмига тузатиш киритилади.

14-мисол. Ҳодимга тўлиқ иш йили учун 2018 йил 14 феврал-дан бошлаб (ишларга равишда) 21 иш кундан иборат бўлган таътил натурда берилди. Унинг тариф бўйича иш ҳақи (ла-возим маоши) меҳнатни рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда 900 минг сўмини ташкил этади. 2018 йил 1 мартдан бошлаб лавозим маоши 15 фозизга оиди ва меҳнатни рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олганда 1 млн 35 минг сўмини ташкил этади.

Ишланган давр учун ҳодимга 2 млн сўм миқдориди муқофот тўланади.

Таътилга чиққанда (2018 йил 14 февралгача) ҳодимга қу-йидаги миқдорда меҳнат таътили ҳақи эзилди: (900 + 2 000

/ 12) / 25,1 * 21) + (900 + 2 000 / 12) / 25,1 * 3)) = 1 млн 19 мине 920 сўм.

2018 йилнинг март ойига тўғри келадиган 8 иш куни учун янги шартлар асосида тўлов қайта ҳисоб-китоб қилинади: март ойига тўғри келадиган 8 иш куни учун янги лавозим маоши бўйича ҳисоб-китоб қилинган меҳнат таътили ҳақи 383 минг сўмни ташкил этади ((1035 + 2000 / 12) / 25,1 * 8), айни вақтда март ойининг ўша 8 куни учун аёвал 340 минг сўм миқдорда меҳнат таътили ҳақи ёзилган эди ((900 + 2 000 / 12) / 25,1 * 8). Демак, ҳодимга 43 минг 28 сўм миқдорда қўшимча меҳнат таътили ҳақи ёзиш зарур.

21. Ҳодим таътилдан қақриб олinsa ва таътилни қолган қисми бошқа муддатга қўйрилса, таътилни қўйрилган кунларига тўғри келадиган тўланган ўртача ойлик иш ҳақи суммаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 10 МАРТДАН 16 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви 2018 йил 27 январдаги 3/5-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2678-2.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 27 январдаги 3/4, 01-02/19-11-сон «Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1326-2.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 7 февралдаги 335-Б-1, 01-02/12-17-сон «Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганини ҳамда транзит ўтиши учун йўлларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2694-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 12 февралдаги 35, 2018/09-02, 225-Б-2, 2018-06, 01-02/8-6-сон «Импорт истеъмол товарларини ҳисобга олиш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгаришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1183-2.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 20 февралдаги 1-мб-сон «2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2956-1.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги 37, 2018-18-сон «Қўнучиликда белгиланган муддатларда устав маблағларини (жамғармаларини) шакллантирмаган хорижий сармояли корхоналардан солиқлар ундириш тартиби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1144-1.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 1 мартдаги 7-сон «Истеъмол товарлари ишлаб чиқа-

бажарилган иш ёки ишланган вақт учун ойлик иш ҳақи ҳисобига ёзилади. Таътилни фойдаланилмаган қисми кунларига ҳақ тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилади.

Таътил қисмларга бўлинганда сақлаб қолинаётган ўртача ойлик иш ҳақи ўша Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда ҳар бир қисм учун алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

6-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

22. Ўшбу Йўриқномада белгиланган тартибда рўйхат этилмаганда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига назарда тутилган жавобгарликка тортилишга асос бўлади.

23. Мазкур Йўриқнома Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

ришининг сотиш нархларида истиқболлини белгилаш ва ҳисобини юритиш бўйича қўрсатмаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 789-1.

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 2018 йил 12 мартдаги 145-мқ-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1442-3.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 9 февралдаги 162-мқ, 7, 23-сон «Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри тўғрисидаги низомига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2541-2.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қўматли қўғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2018 йил 20 февралдаги 2018-02-сон «Қўматли қўғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қўматли қўғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-6.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 7 мартдаги 53, 2018-25-сон «Давлат рўйхатидан ўтмасдан тadbirkorlik фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2463-1.

12. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2018 йил 5 февралдаги 68-сон «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шугулланаётган юридик шахсларнинг ҳодимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шугулланаётган яқна тартибдаги тadbirkorlarга қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1626-9.

13. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 14 февралдаги 5, 24-сон «Санавтда қайта ишлаш учун мўлжалланган экстракцион пахта мойини биржа савдолари орқали факат «Ўзпахтаб» акциядорлик жамияти тизимидagi корхоналарига сотилиши тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2979.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 9 мартдаги 8/1, 54, 2018-12-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1165-7.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 12 февралдаги 20, 348-В-1-сон «Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ банки бўлимлари орқали ишламайдиган пенсионерларга пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2980.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 23 февралдаги 11-87, 19-сон «Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1655-1.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 23 февралдаги 11-87, 20-сон «Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2981.

18. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-хўнарсоз таълими марказининг 2018 йил 12 февралдаги 12, 3, 2/қ-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқишга қираётган ўқувчиларни тиббий қўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2982.

19. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 27 февралдаги 01/10-10/15-сон «Кор-

хоналарнинг санацияси жараёнини мониторинг қилиш тартиби, шунингдек унга ўзгартиришлари ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 485-4.

20. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 25 январдаги 4-Б-сон «Ноғиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ноғиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларида меҳнат шартлари ва асбоб-ускуналарнинг жараҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича санитария-техник ҳолатни паспортиштириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2983.

21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/3-сон «Кредит ташкилотлари томонидан Кредит ахборотининг давлат реестрига ва кредит бюросларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2332-2.

22. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/6-сон «Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2933-1.

23. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 15 мартдаги 4-Б-1-сон «Ишлаб чиқаришда ноғиронлар меҳнатидан фойдаланувчи иш жойларини аттестациядан ўтказиш тартиби, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 839-2.

24. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 9 мартдаги 8/2-сон «Тижорат банкларда юбилей саналарга бағишланиб зарб қилинган тангаларни сотиб олиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 527-1.

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг «Импорт истеъмол товарларини ҳисобга олиш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1183, 2002 йил 25 октябрь), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 1183-1, 2005 йил 18 март).

Адлия вазирлигининг 2018 йил 12 мартдаги 140-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Қўнувчиликда белгиланган муддатларда устав маблағларини (жамғармаларини) шакллантирмаган хорижий сармояли корхоналардан солиқлар учирдиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1144, 2002 йил 27 май).

Адлия вазирлигининг 2018 йил 12 мартдаги 142-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришининг сотиш нархларида истифодани белгиланган ва ҳисобини юритиш бўйича кўрсатмалар (рўйхат рақами 789, 1999 йил 30 июль).

Адлия вазирлигининг 2018 йил 12 мартдаги 143-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қараларини қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссиясининг «Бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қараларни тўлаш муддатини кенйтириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш, пеня ҳисоблашни тўхтатиш, шунингдек пеня ва жарима санкцияларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш

ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1442, 2005 йил 14 январь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1442-1, 2016 йил 20 июнь), (рўйхат рақами 1442-2, 2017 йил 4 декабрь).

Адлия вазирлигининг 2018 йил 12 мартдаги 145-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг «Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1655, 2007 йил 15 январь).

Адлия вазирлигининг 2018 йил 15 мартдаги 153-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Корхоналарнинг санацияси жараёнини мониторинг қилиш тартиби (рўйхат рақами 485, 1998 йил 28 август), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 485-1, 2012 йил 25 январь), (рўйхат рақами 485-2, 2014 йил 17 сентябрь), (рўйхат рақами 485-3, 2017 йил 10 октябрь).

Адлия вазирлигининг 2018 йил 15 мартдаги 155-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

7. Ишлаб чиқаришда ноғиронлар меҳнатидан фойдаланувчи иш жойларини аттестациядан ўтказиш тартиби (рўйхат рақами 839, 1999 йил 18 ноябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 839-1, 2010 йил 29 октябрь).

Адлия вазирлигининг 2018 йил 16 мартдаги 160-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

8. Тижорат банкларда юбилей саналарга бағишланиб зарб қилинган тангаларни сотиб олиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартиби (рўйхат рақами 527, 1998 йил 11 ноябрь).

Адлия вазирлигининг 2018 йил 16 мартдаги 161-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Маъмур ҳужжатлар қўнувчиликка ўзгартириш қилиниши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Бош бухгалтер: вақансия очиқ

Умумий талаблар

□ Маълумоти ва иш стаж

Бош бухгалтер:

➤ устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган;
➤ мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилган ташкилотда ишлайдиган бўлса, олий маълумотга эга бўлиши шарт. Бундай ташкилотларга қуйидагилар қиради:

- 1) акциядорлик жамиятлари;
- 2) банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;
- 3) сугурта ташкилотлари;
- 4) инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар;
- 5) манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар;
- 6) маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар;
- 7) фонд ва товар биржалари;
- 8) устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат унитар корхоналари («Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси).

Гарчи «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиришлар киритилмаган бўлса ҳам, 2017 йил августда ушбу рўйхат Мирзо Улуғбек Инновация маркази резиденти мақомини олган хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига кенгайди. Ҳар йили молия-хўжалик фаолияти мажбурий аудитини ўтказиш унинг мажбуриятлари сирасига қиради (Низомнинг 16-банди, ВМнинг 15.08.2017 йилдаги 631-сон қарорига 2-илова).

Ташкилот раҳбари олий маълумотга эга бўлмаган бош бухгалтерни ишга қабул қилса, ушбу талабни бузганлиги учун унга нисбатан қандай чора қўлланилади? Раҳбарнинг бундай ҳатти-ҳаракатлари текширув чоғида меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш деб баҳоланади, бунинг учун ЭКХнинг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима тўлашига тўғри келади (МЖТКнинг 49-моддаси). Бундан ташқари, текширувчи органлар «маълумотсиз» бош бухгалтерни ишдан бўшатишни талаб қиладилар.

Давлат хизматидаги чекловлар

Ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва бола-

Олий маълумотли бўлишидан ташқари, бундай ташкилотларнинг бош бухгалтерлари:

- олий иқтисодий маълумотга эга бўлган тақдирда — охириги 5 календарь йилдан камида 3 йили;
- ноиқтисодий олий маълумотга эга бўлган тақдирда эса — охириги 10 календарь йилдан камида 7 йили бухгалтерия ҳисобини юритиш ёки молиявий ҳисоботни тузиш ёхуд аудиторлик фаолияти билан боғлиқ муайян иш стажига эга бўлиши керак.

Мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган ташкилотнинг бухгалтерия ҳисобини ихтисослашган аутсорсинг компанияси юритса, ушбу компания ходими ҳам санаб ўтилган талабларга мувофиқ келиши керак («Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси).

Банклар ва сугурта ташкилотларининг бош бухгалтерларига алоҳида талаблар қўйилади. Чунончи, **банкнинг бош бухгалтери:**

- олий махсус маълумот;
- шу мутахассислик бўйича иш стаж;
- бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари бўйича ўқув курсини муваффақиятли якунланганлигини тасдиқловчи Марказий банкнинг махсус сертификатига эга бўлиши керак (АВ томонидан 11.07.2008 йилда 1834-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқномага 1-илованинг 6-банди).

Банк ёки иқтисодий мутахассислик бўйича олий ўқув юртида таълим олаётган ноиқтисодий олий маълумотга эга бўлган шахс ҳам **тижорат банкларининг туман филиали бош бухгалтери** бўлиши мумкин (АВ томонидан 14.11.2006 йилда 1641-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 11-банди).

Сугурта ташкилотининг бош бухгалтери қуйидаги талабларга мос келиши лозим:

- Ўзбекистон олий таълим муассасасида олинган ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган, Ўзбекистондаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий (бухгалтерлик, молиявий, иқтисодий) маълумотга эга бўлиши;
- йўналиш (сугурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари) бўйича билимларга эга бўлиши;
- бухгалтер сифатида 4 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши, шундан сугурта соҳасида бухгалтер сифатида 2 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши (АВ томонидан 30.05.2013 йилда 2462-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

□ Судланмаганлиги

Қасддан содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахсни бош бухгалтер лавозимига қабул қилиш мумкин эмас («Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси).

Шахсининг у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шугулланишини суд тақиқлаши мумкин. Ана шундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати, мансаб ёки фаолиятнинг тури суд ҳукмида кўрсатилади (ЖКнинг 45-моддаси).

□ Фуқаролиги

Бошқа давлат фуқароси ҳам Ўзбекистондаги корхонада бош бухгалтер бўлиб ишлаши мумкин. Уни ишга қабул қилиш учун иш берувчи хорижий ишчи кучини жалб этишга рухсатнома ва Ташқи меҳнат миграцияси агентлигидан меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномасини олиши керак. Мазкур қоида қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

- Ўзбекистон ТИВда аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг халқаро ҳукуматлараро ташкилотлари ва ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари ходимларига;
- Ўзбекистон Адлия вазирлигида аккредитация қилинган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ходимларига;
- Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан аккредитация қилинган хорижий тижорат ташкилотлари ваколатхоналари ходимларига (Низомнинг 3, 17-бандлари, ВМнинг 19.10.1995 йилдаги 408-сон қарорига 2-илова).

□ Пропискиси борлиги

Ишга қираётган шахс вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаган бўлса, иш берувчи уни ишга қабул қилишни рад этиши мумкин (МКнинг 80-моддаси 3-қисми). Ушбу норманинг ижроси МЖТКнинг 223-2-моддаси бўйича маъмурий жазо билан мустаҳкамланган.

Бироқ Президентнинг Фармони билан вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга қабул қилишга бўлган тақиқ бекор қилинди. Шунингдек бундай фуқароларни ишга қабул қилганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги бекор қилинди (22.01.2018 йилдаги ПФ-5308-сон Фармоннинг 10-банди).

давлат корхонасида, масалан, яқин қариндош бўлган бош бухгалтер ва кассир ишлаши мумкин эмас.

Бу қоидадан истиснолар Ҳукумат томонидан белгиланади ва махсус Рўйхатда (ВМнинг 11.03.1997 йилдаги 133-сон қарорига 3-илова) келтирилган. Бироқ кўп ҳолларда улар бош бухгалтерлар ва кассирларга нисбатан татбиқ этилмайди.

бажариш бир неча касбда ва лавозимда ишлаш ҳисобланади.

Ўриндошлик асосида ва бир неча лавозимда ишлаш

Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби махсус Низом (ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган) билан белгиланган.

□ Ўриндошлик

Ўриндошлик асосидаги ишни ходим асосий ишдан бўш вақтида алоҳида меҳнат шартномаси асосида бажаради.

Ўриндошлик асосида ишлаш деб ҳисобланмайдиган ишлар рўйхати (297-сон Низомга илова) белгиланган. Улар орасида меҳнатта бир марта ҳақ тўланган ҳолда бухгалтерияга оид экспертиза (маслаҳат бериш) ҳам бор.

Шунингдек, бошқалар сирасида, бир-бирига бўйсунувчи ёки бир-бирининг назоратидаги ташкилотларда давлат бошқаруви органлари мутахассисларининг ўриндошлик асосида ишлаши тақиқланади.

Ички ўриндошлик асосида ишлашга фақат вақтинча бўлмаган ходимнинг ишини бажаришда ёки бўш лавозимдаги ишни бажаришда йўл қўйилади.

МИСОЛ. Бош бухгалтер шу ташкилотнинг ўзида лавозими бўш турган кадрлар бўлими инспектори сифатида ўриндошлик асосида ишлайди. Яъни асосий ишида кун охирида ёки асосий ишдан бўш кунда **ички** ўриндош сифатида кадрлар бўлими инспекторининг мажбуриятларини бажаради.

МИСОЛ. Бир ташкилотдаги бош бухгалтер ўриндошлик асосида бошқа ташкилотда бош бухгалтер бўлиб ишлайди. Яъни асосий ишидаги иш кунини якунлаб ёки асосий ишдан бўш кунларида **ташқи** ўриндош сифатида бошқа ташкилотда бош бухгалтер мажбуриятларини бажаради.

□ Бир неча лавозимда ишлаш

Ходим томонидан ўзининг асосий иши билан бир қаторда айни шу ташкилотда асосий касб ва лавозим бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган иш вақти давомида бошқа касб ва лавозимдаги қўшимча ишни

Қуйидаги ходимлар учун бир неча касб ва лавозимда ишлашга **йўл қўйилмайди:**

- давлат бошқаруви органлари ходимлари (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари);
- давлат бошқаруви органлари ҳисобланмайдиган бюджет ташкилотларининг раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек ушбу ташкилотлар таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.



Бош бухгалтер: вакансия очик

Амалиётда кўпинча шундай савол юзага келади: **бош бухгалтер кассирнинг лавозим мажбуриятларини бажариши мумкинми?** Ташкилотда кассир штартиб назарда тутилмаганда ёки кассир вақтинча ишда бўлмаганда (касалиги, таътилга чиққанлиги сабабли ва ҳ.к.) шундай вазият юзага

келиши мумкин. Бюджет ташкилоти бўлмаган ташкилотларда шу тариқа бир неча лавозимда ишлаш тақиқланмаган (*АВ томонидан 22.06.2015 йилда 2687-сон билан рўйхатдан ўтказилган Қоидаларнинг 37, 41-бандлари*). Бюджет ташкилотларида эса бош бухгалтерга пул маблағлари учун бево-

сита моддий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган вазифаларни юклаш мумкин эмас. Унга банклар ва бошқа ташкилотлардан бевосита пул маблағларини олиш тақиқланади (*АВ томонидан 22.12.2010 йилда 2169-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқ-номанинг 20-банди*).

Лавозим мажбуриятлари

Бош бухгалтер мажбуриятлари доираси меҳнат шартномаси ва лавозим йўриқномаси билан белгиланади.

Унинг асосий мажбуриятларига, одатда, қуйидагилар киради:

- ҳисоб сибсатини ишлаб чиқиш;
- келиб тушаётган пул маблағлари, товар-моддий бойликлар ва асосий воситалар ҳисобини юритиш, шунингдек уларнинг ҳаракати билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобиди ўз вақтида акс эттириш;
- маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари, харажатлар сметалари ижросининг ҳисобини юритиш;
- ташкилот фаолияти молиявий натижаларининг ҳисобини юритиш;
- солиқлар ва мажбурий тўловларни тўғри ҳисоблаш ва ўз вақтида ўтказиш;
- дебиторлик қарзини белгиланган муддатда ун-

дириш ва шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича кредиторлик қарзини сўндириш;

- пул маблағлари ва товар-моддий бойликлар камомати ва ўғирланиши бўйича материалларни расмийлаштиришда, шунингдек ушбу материалларни суд ва тергов органларига бериш устидан назорат қилиш зарур бўлганда юридик хизматлар ишида иштирок этиш;
- солиқ ва молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва ўз вақтида тақдим этиш;
- ташкилотнинг бошқа бўлинмалари билан биргаликда инвентаризацияни ўз вақтида ўтказиш;
- бухгалтерия ҳужжатларини бут сақлаш, уларнинг тўғри расмийлаштирилиши ва берилганган тартибда архивга топширилишини назорат қилиш;
- алоҳида балансга ажратилган таркибий бирликларда бухгалтерия ҳисоби ташкил этилганлигини текшириш.

Бош бухгалтер қонун ҳужжатларига зид бўлган операциялар бўйича ҳужжатларни ижрога ва расмийлаштириш учун қабул қилишга мажбур эмас.

Бироқ амалиётда бош бухгалтер ва раҳбар ўртасида айрим ҳўжалик операцияларини амалга оширишга доир келишмовчиликлар юзага келиб туради. Бундай ҳолларда қонун ҳужжатларида бош бухгалтерга «шубҳали» ҳужжатларни фақат раҳбарнинг ёзма фармойиши билан ижрога қабул қилиш имкони берилади. Шунда раҳбар бундай операциялар оқибатлари учун шахсан жавобгар бўлади (*«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси*).

Бош бухгалтер ўзига бўйсунадиган ходимлар учун хизмат мажбуриятларини белгилайди. Бухгалтерия ҳисоби билан машғул бошқа бўлинмалар ва хизматларнинг ходимлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш ва юритиш масалалари юзасидан бош бухгалтерга бўйсунадилар.

МИСОЛ. Ташкилотда иш вақти, ЁММ, эҳтиёт қисмлар, қатъий ҳисоботдаги бланкалар ҳисобини бухгалтерия ходими бўлмаган диспетчер юритади. Бироқ ҳисоб ва ҳисобот юритишда у бош бухгалтерга бўйсунди.

Ҳуқуқлари

Бош бухгалтер таркибий бўлинмалар раҳбарларидан, зарур ҳолларда эса ташкилот раҳбаридан ҳам маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, мулкни янада яхши сақлаш, бухгалтерия ҳисоби ва назорат тўғри ташкил этилишини таъминлаш учун чоралар кўришни талаб қилишга ҳақли. Бундай чоралар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- хом ашё, материаллар сарфи, меҳнат сарфининг оширилган ва эскирган нормалари ҳамда бошқа нормаларни қайта кўриб чиқиш;

➢ оғирхона ҳўжалиги, яъни хом ашё, материаллар ва бошқа бойликлар қабул қилиниши, сақланиши ва берилишини ташкил этишни яхшилаш;

➢ нормалар ва нормативлар тўғри қўлланилиши, тайёр маҳсулот бошланғич ҳисоби тўғри ташкиллаштирилиши, фойдаланилаётган материаллар миқдори (натура) ҳисоби ва ҳ.к. устидан назоратни яхшилаш;

➢ бошланғич ҳужжатларни расмийлаштиришнинг белгиланган қоидаларини бажармайдиган ходимларнинг мукофотлари миқдорларини камайтириш ёки ундан маҳрум қилиш тўғрисида таклифларни тайёрлаш.

Имзолаш ҳуқуқи

Бош бухгалтер пул ва товар-моддий бойликларни қабул қилиш ҳамда бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар, кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятлари, шунингдек молиявий ва бошқа ҳисоботларни имзолаш шарт (*«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддаси*). Бунда ташкилот раҳбари бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқаруви ташкил этадиган шахсларнинг алоҳида рўйхатини тасдиқлайди. Мисол учун, бу рўйхатга, бош бухгалтер билан бир қаторда, унинг ўринбосари ва молиявий директор кириши мумкин. Яъни ушбу рўйхатга кирган барча шахслар иккинчи имзо қўйиш ҳуқуқига эга. Ама-

лиётда баъзан ташкилот раҳбари бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини зиммасига олади. Бундай ҳолларда у мазкур рўйхатда ўзини қўрсатиши ва бош бухгалтер имзоси талаб этиладиган барча ҳужжатларга ўз имзосини қўйиши шарт.

Баъзи ташкилотларда раҳбар товар-моддий бойликларни олиш ёки бериш, ишлар ва хизматларни бажариш шартномасини имзолашдан олдин уни бош бухгалтер имзолашнинг талаб қиладиган. Аслида қонуний жиҳатидан бу талаб белгиланмаган бўлса ҳам, оқилона усул ҳисобланади.

Биринчидан, одатда айна бош бухгалтер солиқ солиш масалаларини яхши тушунади. Шартномани тайёрлашда иштирок этиб, ташкилотда қандай солиқ мажбуриятлари юзага келиши, шартноманинг у

Бош бухгалтер қуйидагилар билан ҳам ҳамкорлик қилишга ҳақли:

- корхонанинг таркибий бўлинмалари, шунингдек бошқа ташкилотлар билан – бухгалтериянинг ваколатига кирадиган ва раҳбар аралашувини талаб қилмайдиган масалалар бўйича;
- кадрлар бўлими билан – моддий жавобгар шахслар ва бухгалтерия ходимларини танлаб олиш, қабул қилиш, ишдан бўшатиш, жойини ўзгартириш масалалари бўйича;
- юридик хизмат билан – ташкилотнинг молиявий ҳўжалик фаолияти масалалари бўйича.

ёки бу шакли қандай хусусиятларга эгаллиги, қандай шартларни рад этиш, қандайларини эса, аксинча, баътафсилроқ қайд этиш кераклиги ҳақида раҳбариятни олдиндан хабардор қиладиган. Бу назорат қилувчи органлар билан боғлиқ муаммолар, бинобарин, молиявий ва маъмурий жазодан қочиш имконини беради.

Иккинчидан, режалаштирилаётган барча битимлар ҳақида олдиндан ахборот берган бош бухгалтер моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланиш жараёнини назорат қила олади.

Шартномалардан ташқари, бош бухгалтерлар меҳнатга ҳақ тўланишига (лавозим маошларини ўзгартириш, иш ҳақиға устамалар белгилаш, мукофотлаш ва ҳ.к.) оид буйруқлар ва фармойишларни имзолайдилар.

лат статистика хизмати ва б.) маъмурий тартибда жарима сола оладилар.

Жиноий жазо фақат қонун билан жиноят ишлари бўйича судда ишларни кўриш тартиботида белгиланган суд ҳукми бўйича тайинланиши мумкин. Бошқа органлар жиноий санкцияларни қўллашга ҳақли эмас.

Ирина Ахметова, «Norma» МЧЖ эксперти.

Жавобгарлиги

Бош бухгалтер ўз фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишга мажбур. Бош бухгалтер ўз лавозим мажбуриятларини бажариши чоғида йўл қўйиши мумкин бўлган қонунбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жазо чоралари назарда тутилган.

Иккундсий-ҳўжалик газети НОРМА МАСЛАХАТЧИ ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.	Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНОВ Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ	Адабий муҳаррир Зулфия Саидмуратовна РАҲИМБЕКОВА Саҳифачовчи Наталья БАРАНОВА	ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1, Тахририят тел. 200-00-90 Обуна бўлими тел. 200-00-30 E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz	Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини etkazib бериш ва харид қилиш масалалари бўйича 200-00-30; «Norma» АКТ бўйича – 200-00-90; Рекламини жойлаштириш бўйича 283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин. Газета нашр – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр қўрсаткичи – 196. Ҳарфа ёчимли – А3. Ҳажми – 2 боёма таъби. Баъзи келтирилган нурда. Буюртма 196. Адаби 885. Газета 2018 йил 16 апрель соат 14.00 да топширилди.
---	--	---	--	---